



# ISNONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 6 июл, сешанба № 89 (736)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## УИМБЛДОН ТУРНИРИНИНГ ҚИЗЛАР ОРАСИДА ГОЛИБИ ИРОДА ТЎЛАГАНОВАГА

Қизим Иродахон, Теннис оламида энг нуфузли Уимблдон турнирида голиб бўлгани ҳақидаги хушxabарни эшитиб, мен бениҳоя хурсанд бўлдим. Бу галабан барча ватандошларимиз қалбиде фахр ва миллий ғурур туйғуларини уйғотди.

Дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг кучли спортчилари орасида биринчи бўлиш, Ўзбекистон шаъни ва шон-шухратини улуғлаш - инсондан чинакам жасорат ва иродани, фидойиликни талаб этади. Қизим Иродахон, ишончим комилки, мамлакатимизда йилдан-йилга раванқ топаётган катта тенниснинг вакили сифатида сен жаҳон спорт майдонларида Ўзбекистон байрогини доимо баланд кўтариб борасан. Сенга сиҳат-саломатлик ва бахт тилайман. Спортда ва ҳаётда омад ҳамиша ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## УЛКАН ФАЛАБА

Дунё теннис оламида Англияда ўтадиган Уимблдон турнири ўзгача ўрин тутди. Хаттоки, уни норасмий жаҳон биринчилиги деб ҳам атайдилар. Сабаби, бу нуфузли мусобақада сайёрамизнинг энг кучли теннисчилари куч синаяди. Қувончли томони шундаки, ушбу турнирда Ўзбекистон теннисчилари ҳам йилдан-йилга муваффақият қатнашиб келмоқда.

Қуни кеча Англиядан хушxabар келди. Хамюртимиз Ирода Тўлаганова Уимблдон турнири доирасидаги

18 ёшгача бўлган ўсмир қизлар баҳсида голиб қикди. Голиблик шохсупасига қадар Ирода олти учрашувда катта устунлик билан рақибларини мағлуб этди. Финал учрашувида эса И.Тўлаганова россиялик Л.Краснопрудскаядан 7/5;6/4 ҳисобида устун келди ва турнирнинг бош совринини қўлга киритди. Жуфтлик баҳсида ҳам Ирода Тўлаганова украинalik Т.Пербейнис билан бирга шарафли иккинчи ўринни қўлга киритди.

(ЎЗА)

### Шу сонга хабар

Навоий вилояти дехқонлари бу йил 37 миң гектар майдонда дехқончилик қилиб, ғалладан мўл ҳосил етиштирдилар. Улар

### НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАҚОРЛАРИ ЗАҒАРИ

Ўрим-йигимни Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йилги бошқоқ дон экинлари ҳосилини йиғштириб олишни ушқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этганликлари тўғрисида давлатга дон топшириш йиллик шартнома режасини ортиги билан бажардилар. Қўзланган 70 миң 742 тонна ўрнига 72 миң 345 тонналик хирмон уюлди. Хосилдорлик гектар бошига ўртача 26,1 центнерни ташкил этди.

Эришилган муваффақиятга Қонимех, Қизилтепа, Навбахор, Навоий ва Хатирчи туманлари ғаллақорлари муносиб ҳисса қўшди. Бир қатор фермер-хўжаликлари ҳар гектар майдондан 60-70 центнердан ҳосил олишга эришдилар. Вилот ғаллақорлари режага қўшимча яна 5 миң тонна дон топширишга аҳд қилдилар.

(ЎЗА)

## ВАТАН ЗАВОЛ ТОПМАСИН

Қуни кеча кўрганимиз «Феврал воқеалари» хужжатли филмида кўздан оқаётган ёшларини тиёлмай, миңг бир дард-ўй ичра нидо қилган аёлнинг сўзларини эшитиб, юракбағрим эзилиб кетди. Ахир осонми, не ҳасратда вояга етказган фарзанди ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ ҳалок бўлса, бундан ортиқ даҳшат борми она учун?

Тўғриси, филм кўзимизни очди. Ғаламислар қабиҳ ниятларини кўпдан буён амалга

оширишни режалаштириб келганликларини, бинобарин, мамлакатни бошсиз қолдириш ва халқни парокандаликка солиш, шу тариқа асосий мақсад - ҳукуматни қўлга олиш эканлиги хужжатли далиллар асосида фош этиб ташланди. Қарангки, давлат тизимини мутлақо тескари томонга буриб юборишни дилига туккан ярамаслар ҳатто ўз мақсадлари йўлида бировлар қўлида қўғирчоқ бўлишга ҳам тайёр эканликлари кишини хайрат-

га солади. Шунча йиллар истибодда армон ичра яшаганимиз етмасмиди? Яқинда Тошкентда ушбу воқеаларга бағишланган йиғинда фарзанди диний ақидапарастлик йўлига кириб кетиб, охир-оқибатда ҳибсага олинган онанинг сўзларини зангори экран орқали эшитиб қолдим. Шўрлик содир этилган воқеада ўғлининг гуноҳини инкор этмаган ҳолда бунда теварак-атрофда бирга яшаётган кўниқўшнилари, маҳалла-қўй,

тарғибот-ташвиқот муассасалари, шунингдек, одамларга етарли даражада таъсир ўтказа олмаётган имом-хатибларни ҳам танқид остига олдики, унинг фикрларига қўшилмай илож йўқ эди. Дарҳақиқат, бирор фойдали фаолият билан банд бўлмаган одамни, айниқса, у агар ёш бўлса, йўлдан тойдириш унчалик қийин эмас. Демокчиманки, тарғибот-ташвиқот ишлари қуруқ ваъзхонликдан иборат бўлмай, аниқ-равшан амалий тадбирлар билан

мустаҳкамланса, айни муддао бўлур эди. Бунда, шубҳасиз, «Қамолот» ва «Маҳалла» жамғармалари ҳамда Меҳнат биржаси олдида ҳам катта вазифалар турибди. Ҳар бир она фарзандини бахтли кўрсам, дея орзу қилади. Зеро, бу қутлуг манзилга йўл эл-юртга сидқидилдан хизмат қилиш орқали ўтишлигини ёдда тутишимиз даркор. Шунда оналар тинч ухлайди, халқ осойишта ҳаёт кечиради, Ватан безавол раванқ топади.

Муниса АБДУЖАЛИЛОВА,  
Тошкент шаҳри.

Мақтабда ўқирдим, Фафур Фуломнинг бағрикенг, кўнгилни юксак-юксакка кўтарадиган шеърларини севардим. Кўпини ёд олардим. Бир куни шоирнинг куйидаги мисраларини ўқиб, унчалик тушунолмадим:

Шухрат қолдирмоққа Герастратдек,  
Диана маъбадин ёқмоқ шарт эмас.

Илло, мен учун ўша пайтлар Герастрат номи ҳам, Диана маъбади ҳам нотаниш эди. Йиллар ўтиб дорилфунун толиби бўлгач, Герастрат асоснасидан воқиф бўлдим. Уни мутахассислар ўйлаб топилмаган афсона дейишади. Эмишки, қадим Юнонистонда Герастрат отлиг бир кимса чиқиб, ўзини ҳеч ким танимаслиги, таниганлар ҳам тан олмаслиги тўғрисида қаттиқ изтиробда экан. Ўйлабдики, шундай бир иш қилсам ва унинг шов-шуву боис асрлар оша овозам авлодлар хотирасида қолса. У Юнонистон худоларидан ҳисобланган Диана маъбудаси шарафига қурилган ибодатхонага ўт қўйиш фикрига келибди. Бир тонг халқ Диана маъбадига туташган олов шуъласидан ўйғониб кетди. Ушандан буён Герастрат номи шухратпарастлик тимсоли бўлиб келмоқда. Шухрат истаган одам учун ҳар қандай муқаддас туйғу ёт эканлигининг инкорсиз исботи бўлиб қолмоқда.

16 феврал воқеалари халқимиз орасида ташвиш тўғдириши билан бир қаторда озгига кучи

етмаган кимсалар учун турли миш-мишлар манбаи ҳам бўлган эди. Бироқ яқинда ниҳояси етган террор ташкилотчилари ва ижрочилари устидан суд

дилидаги давлат-ку! Одамизот исломга ўз ихтиёри билан келиши лозим эмасми?! Тилида исломни тан олиб, дилида унга мункир бўлаётганлар қанча? Бун-

лослик бўлиши мумкинми?! Менинг тушунишимча, террорнинг беғуноҳ қурбонлари ёнига унинг ёшигина ижрочиларини ҳам қўшмоқ лозим. Узоқда туриб сий-

хабари бўлган. Ҳокимиятнинг эгаллаш учун айрим одамлар ўз мамлакатини, туққан Ватани, худонинг уйига-да ўт қўйишдан қайтмаслигини яхши тушунган. Тушунгани учун ана шундай эътиқодсиз кимсалардан ўз мақсади йўлида фойдаланган. Герастрат номи асрлар оша яшаб келмоқда. Бироқ у ўшандан буён фақат ёвузлик, хиёнат, маслақсизлик тимсоли бўлиб қолган.

«Феврал воқеалари» хужжатли филми аҳли Ўзбекистонга исломни байроқ қилиб олганларнинг асл мақсади фақат ҳокимиятнинг эгаллаш эканини яна бир бор кўрсатиб берди. Халқимиз террорчиларнинг асл башарасидан воқиф бўлди. Онги кўр, маънавияти сўқир одамни ҳар томонга етаклаш мумкин, лекин воқелик моҳиятини билган, мустақиллик, эркинлик неъматини татиб кўрган халқни алдаш, йўлдан огдириш қийин. Эҳтимол, хориждаги ҳокимиятпарастлар илгари халқимиз орасидан ўзига гўл ҳаммаслақлар топиши мумкин бўлгандир. Лекин энди, мақсад-муддаолари нақадар тубан ва разил экани маълум бўлгач, уларнинг оёғи ўзбек заминидан бутунлай узилди, деб бемалол айтиш мумкин. Чунки бу халқ ўзига, ўзи сайлаб қўйган доно Президентига, йўлбошчисига юритаётган миллий манфаатлар устуворлиги сийёсатига астойдил ишонди.

Мусулмон НАМОЗ,  
ЎЗА шарҳловчиси.

## ГЕРАСТРАТ ИЗДОШЛАРИ

жараёни бўлиб ўтган мудрчиш воқеаларнинг бутун моҳиятини халққа ошқора намойиш қилди. Кимнинг ким экани билинди. Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилган «Феврал воқеалари» хужжатли филмининг кўриб эса беихтиёр яна Герастрат жинояти ёдга тушди. Герастрат-ку ном қолдирмоқ учун бир ибодатхонани оловга топширган эди. Малъун жиноятчилар эса ўзлари тўғилиб ўсган Ватанини қонга ботиришни ният қилган эканлар.

Донишмандлардан бири айтган экан: ҳар қандай улуг ва муқаддас мақсад учун бир беғуноҳнинг қони тўқиладиган бўлса, ўша иш улуглиги ва муқаддаслигини дахр қилган бўлади, энди у иш учун эмас, балки унинг ўзига қарши курашмоқ лозим.

Жиноятчиларнинг бир қисми исломий давлат қуриш ниятида бўлган экан. Яъни, эътиқоддек боқира туйғунни сийбат билан аралаштирмоқчи бўлган. Аммо ислом, эътиқод одамнинг

дай гумроҳлар сонини ортириш билан исломни барқарор этиб бўларканми?! Исломи кўп жойда қабул этилиб, муслимлар эътиқоди устуворлик касб этган пайтларда пайғамбаримиз (С.А.В.) «Энг яхши жиҳод ўз нафсинг билан курашмоқдир», деб айтган эдилар. Бу билан пайғамбаримиз мусулмонларнинг жиҳоди қурол ва қон тўкиш орқали эмас, маънавий покланиш орқали ўтажагини башорат қилган эдилар!

Шуларни ўйлар эканман, мен жиҳод ғояси - бу ишга бош қўшган ёшларнинг бошини айлантириш учун бир афюн сифатида шухратпараст ва ҳокимиятпараст шахслар тарафидан қўзланган бир восита бўлганини англайман. Бировларнинг қўлидаги қилч билан тахтга келмоқ истагида бўлганлар ҳеч қандай разилликдан қайтмайдилар. Одамизотни поклаш учун ягона Оллоҳ тарафидан юборилган эзгу эътиқодни қуролга айлантиришдан ҳам манфурроқ жиноят, иф-

сат ўйинини ўйнаганлар ҳам мақтул, ҳам қотилларнинг гуноҳини ўзларига ола билармикинлар?! Ахир, бу дунёда жазодан қочиб қутилсалар ҳам, у дунёда ахр топишлари тайин-ку! Исломиий давлат ғояси ёшларнинг бошини айлантириш учунгина тўқилган. Буни «исломчилар»нинг раҳбарлари ўзини «демократ» санайдиган шахсни президентликка лойиқ қўрганларидан ҳам билса бўлади. Ахир, нега ўша ёшлар халифалик давлатида президентлик лавозими бўлмади-ку, деб ўйлаб кўрмадилар! Балки шунда ўзларининг қўғирчоқ эканликларини фахрлашармиди?! Демократик давлат қуриш ғоясини мўзана этиб, хорижлик паноҳлари қошида юкониб юрган кимса эса бунга яхши билган. У ўзлари ҳокимиятга келишлари биланоқ халифалик тўғрисидаги гапларнинг барчаси қилиб кетишини яхши билган!

Зотан, у ҳам бир замонлар шеър ёзарди ва албатта Герастрат афсонасидан

## Сабоқ ҚОНУНИ БИЛМАСЛИК ПАНД БЕРДИ

Ойдиной Амирова ёшлигидан шифокор бўлишни орзу қиларди. Бу хавас, иштиёқи уни тиббий билим юртига етаклади. Бахти бор экан талаба бўлди. Билим юртини томонлагач, Тошкент шаҳар 14-сон болалар шифохонасининг реанимация-анестезиология бўлимида ҳамшира бўлиб ишлаш бошлади.

Ўз касбини севганлиги боис, янада чуқурроқ билим эгаллаш мақсадида - олий ўқув юртида ўқиди, ҳамда шу илм масканида бир йиллик интернатурани ўтади. У Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг 1999 йил 2 мартдаги буйруғи билан доимий шифохонанинг ўзиде реаниматолог-анестезиолог вазифасида қолдирилган. О.Амирова 1999 йилнинг 10 мартидан 10 майгача Тошкент педиатрия тиббиёт олийгоҳида малакасини ошириш учун ўқишга жўнатилди. Ишига қайт-

гач, унга шифохона бош врач Д.Умаров томонидан соат 14 дан эрталаб соат 8 гача доимий навбатчиликка ўтказиб қўйилганлиги айтилади.

У малакасини оширишга боришдан олдин эрталабки соат 8 дан 14 гача ишлаганлиги ва жадвал асосида навбатчилик қилганлигини, доимий навбатчиликда бўлиш оғир шароитлар келтириб чиқаришини айтиб, бош шифокор Д.Умаровга мурожаат этди. Лекин бош врачдан иш режими ўзгартириш тўғрисида оғоҳлантирмасдан, унинг розилигисиз бошқа иш режимига ўтказган. Оқибатда О.Амирова ғоят

сақлаш ходимлари касабая уюшмаси Марказий Қўмитасига ариза билан мурожаат қилишга мажбур қилган.

О.Амированинг аризаси Марказий Қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг талабларига риоя қилинган ҳолда текширилди. Текширишда шифохона бош врач Меҳнат кодексининг талабларига риоя қилинмаган ҳолда, яъни ходимни икки ой олдин иш режими ўзгартириш тўғрисида оғоҳлантирмасдан, унинг розилигисиз бошқа иш режимига ўтказган. Оқибатда О.Амирова ғоят

қийин аҳволда қолди.

Муассасада касабая уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда 1998 йил 19 январда тасдиқланган Ички меҳнат тартиби қоида-сига мувофиқ барча ходимларга шу жумладан, О.Амировага ҳам иш вақти соат 8 дан 14 гача қилиб белги-ланган. О.Амирова учун тузилган иш тартиби касабая уюшма қўмитаси билан келишилмасдан бош шифокорнинг ўзи томонидан тасдиқланган.

Текшириш давомида бош шифокор Д.Умаровга хатолари тушунтирилди. Бунинг устига, Амированинг малака оширишда

бўлган даври учун унга ўртача иш ҳақи тўланмаган ва Меҳнат кодексининг 166-моддаси талаблари бажарилмаган.

Йўл қўйилган қонунбузарлиқни тўғатиш учун бош шифокор номига ёзма буйруқ берилди.

Ҳозирги кунда баъзи корхона, муассасаларнинг тугатилиши ҳамда штати қисқариши муносабати билан ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларининг бекор қилиниш ҳолатлари учраб турибди. Бундай ҳолларда иш берувчи томонидан меҳнат қонунлари талабларига тўлиқ риоя қилинмаёттир. Масалан, Тошкент шаҳар Чилонзор

туманидаги 7-туғруқхона ходимларидан Г.Абдурахмонова, О.Катырова соғлиқни сақлаш касабая уюшмалари Марказий қўмитасига 1999 йил 7 июн кунини маъмурият томонидан ходимлар сони қисқариши муносабати билан озгача оғоҳлантирилганликлари ва 1999 йил 16 июндан вази-фаларидан овоз қилинганликлари ҳусусида мурожаат қилишди.

Бу масала кўриб чиқилиши жараёнида ходимлар ҳақиқатдан ҳам тақлиф қилинган ишда ишлашни рад қилишгани маълум бўлди. Шунингдек, 18 та ходимга нисбатан иш берувчи томонидан Меҳнат кодексининг 102-моддаси талаблари бузилганлиги аниқланди. Яъни, ходимлар шарт-лар сони қисқариши муносабати билан вази-фасидан овоз қилиниши мумкинлиги тўғрисида ёзма равиш-да имзо чекириб таниш-

тирилмаган. Икки ойлик муддат ўтмасдан розили-гисиз ишдан бўшатиб юборилганлар. Бу ҳақда уларнинг меҳнат дафт-рчаларига тегишли ёзув-лар киритилган. Бунинг устига икки ойлик оғоҳ-лантириш муддати хо-димларнинг розилиги билан пуллик компенса-ция билан алмаштирил-маган ҳам.

Иш берувчиго қонунни қўллашда амалий ёрдам кўрсатилди. Натихада ходимлар сони қисқарти-рилиши муносабати билан вази-фасидан овоз қилинган 18 та ходимга Меҳнат кодексининг 102-моддасига асосан оғоҳ-лантириш муддатига пул-лик компенсация ва Меҳ-нат кодексининг 109-мо-ддасига мувофиқ бир ой-лик ишдан бўшатиш на-фақаси тўлаш тўғрисида буйруқ чиқарилди.

Карим МУХТОРОВ.



### ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛА

Дехқон учун ҳар бир дақиқа ганимат. У ғўзасини туну кун парвариш қилиб қарчамайди. Чунки бугун қилинган меҳнат эртага тоғ-тоғ хирмон бўлиб ўйиладиган оқ-олтин ҳосили учун яратилган пўхта заминдир.

Оққўрғон туманидаги Султон Сеғизбоев номи халқ корпорациясига қарашли 1-бўлим бободехқонлари жорий йилда 357 гектар ерга барака уруғини қадагилар. 27,8 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжаллаган пахтакорлар ҳозирги кунда баравж ўсаётган ғўзаларни 4-культивациядан чиқармоқдалар.

Бўлимнинг Аҳмад Астрақулов етакчилиги қилаётган бригадасида 60 гектар пахтазор бор. Бригада аъзоларининг нияти - гектаридан 27,8 центнердан ҳосил кўтариш.

Суратларда: 1. 1-бўлим бошлиғи Раҳматжон Мирзакулов (чапда), бригада бошлиғи Аҳмад Астрақулов (ўртада), звено бошлиғи Ботир Икромовлар. 2. Далаларда иш қизгин.

### Касаба уюшмаларида ҳисобот ва сайловлар: тажриба, ташаббус

Ҳозир касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари кизгин паллага кирган. Уларнинг иштирокчилари беш йиллик фаолиятларини кизгин муҳокама этмоқдалар, ижобий ишлар, илғор тажрибаларни таъкидламоқдалар, ҳаётда ўзини оқлаган синепоя янгиликларини кенг оммалаштириш ҳақида мулоҳазалар билдирмоқдалар. Шунингдек, камчиликлар, уларни бартараф этиш йўллари белгиламоқдалар.

Тошкент шаҳар маданият ходимлари касаба уюшмаси тармоғидаги ташкилот 30 минг нафарга яқин касаба уюшма аъзоларини ўз сафига бирлаштири-

ликларни таъмирлаш ҳиссдорлик жамияти, Тошкент Давлат маданият ва туризм институти касаба уюшма кўмиталари фаолияти йиғилишларда юқори баҳо олди.

Шу билан бирга қатор жойлардаги ҳисобот-сайлов йиғилишларида танқидий фикрлар, таклиф-мулоҳазалар далил ўртага ташланди. Тошкент шаҳар Маданият ишлари бош бошқармасидаги ҳисобот-сайловда гап кўпроқ ижтимоий химоя ҳақида борди. Унинг тизимида болалар музика мактаблари, маданият уйлари, кутубхоналар ва шу каби ташкилотлар бўлиб, асосан, аёллар ишлашади. Бу йил Аёллар йили, демек




### ХОРИЖДАН БУЮРТМА ТУШДИ

Зарафшон фосфорит комбинатининг ишга туширилиши самарқандлик кимёгарларнинг катта ютуғига айланди.

Илгарилари Қозоғистондан анча сарф-харажатлар эвазига келтирилган фосфор ўғитларининг ўзимизда чиқарилиши муҳим аҳамият касб этмоқда, дейди минерал ўғитлар чиқариш бўйича Самарқанд заводининг директори Ойдин Гасанов. Эндиликда ўзимизда ишлаб чиқарилган фосфор-азот ўғитларидан 12 минг 700 тонна шу кунгача деҳқонларга тарқатилди. Янги маҳсулотга Эрон ва Афғонистондан буюртма бор эди. Эндиликда АҚШ, Польша, Исроил, Англия, Германия каби давлатларнинг ҳам қизиқиш катта.

Суратларда: Назоратчи Гаяна Шахназарова маҳсулотни кўздан кечирмоқда. Маҳобатли завод худудида.

Т.НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.



### ЕШЛАРДАН УМИДИМИЗ КАТТА

ган. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларига тайёргарлик юзасидан касаба кўмиталари учун тўрт марта семинар ўтказдик. Ҳозиргача касаба уюшма кўмиталарининг ярмидан кўпроги ҳисобот бериб бўлдилар.

Бўлиб ўтган йиғилишларда таъкидландики, ҳисобот даврида катта ўзгаришлар юз берди. Бу хусусан, касаба уюшма фаолиятида ҳам яққолроқ кўзга ташланади. Биласизки, охириги ҳисобот ва сайловлар Уставга мувофиқ 1994 йилда бўлиб ўтганди. Ушундан биз амал қилаётган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси қабул қилинмаган эди. Шубҳасиз, шаҳар касаба уюшма кўмитаси бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий химоя қилишга қаратган. Лекин илгари касаба уюшма кўмиталари лоақал жамоа шартномасининг аҳамиятини етарлича тушуниб ололмадилар. Бюджет ташкилотларида бундай муҳим ҳужжат тузилмас эди.

Уша даврда шаҳар маданият ташкилотларининг йиғирматасидан хиёл кўпроғидагина жамоа шартномаси бор эди. Ҳозир эса юздан ортқ ташкилотда жамоа шартномаси тузилган. Ҳозир бундай муҳим ҳужжат - барча касаба уюшмалари химоя иши негизи бўлган жамоа шартномалари ҳақида ҳисобот-сайловларда кўп фикрлар билдирилмоқда.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти касаба уюшма кўмитасининг ҳисобот-сайлов йиғилиши жуда кизгин ўтди. Нотиклар ижтимоий, ҳуқуқий химоя, соғломлаштириш йўналиши бўйича қилинган ишларни кенг таҳлил қилдилар. «Туркистон» саройи, республика тасвирий ва амалий санъат, тезкор чоп этиш босмаҳонаси, Тарихий ёдгор-

имтиёзларни кўпайтириш керак! Иш берувчилар бу ҳақда жон куйдиришяптими?! Йиғилишда касаба уюшма кўмитаси, иш берувчилар шаънига кескин танқидлар айтилди. Аксарият жойларда йўл чипталари берилмайди, даволашни учун маблағлар ажратилмайди.

Театр-томоша ташкилотларида қулай меҳнат шaroитини яратиш юзасидан камдан-кам тадбирлар амалга оширилади.

Полиграфия ташкилотларида эса техника хавфсизлиги, ижтимоий химоя бўйича кўп яхши ишлар қилинмоқда. Шунинг учун ҳам бундай корхоналарда бўлиб ўтган йиғилишларда кўпроқ таклифлар касаба уюшма фаолларини ўқитиш, ҳуқуқий билим олишларини яхшилаш, маблағдан унумли фойдаланиш каби мавзуларда бўлмоқда.

Касаба уюшмаларининг ҳаётимиздаги ўрни ва роли ошиб бораётгани яққол сезилмоқда. Энг оммавий ташкилот ҳаётида туб ислохотлар кизгин кечмоқда. Ҳозирги вақтда янги молиявий сиёсатни юргизиш муҳим аҳамиятга эга. Меҳнаткашлар ўртасида ҳам яна ва маърифат, жисмоний тарбия ва спорт, ҳуқуқий тарбия билан шуғулланишни янада фаоллаштириш даркор.

Ҳозирда тармоқдаги олийгоҳлар ва махсус ўқув юрталарида, корхоналар ва ташкилотларимизда кўллаб ёшлар бор. Касаба уюшмалари жойларда ёшлар тарбияси билан фаол шуғулланмоғи керак. Касаба уюшма кўмиталари таркибда 30 ёшгача бўлганларнинг сони кам.

Уйлаймизки, касаба уюшма кўмитаси таркибда ёш, ишчан, ташаббускор, кишилар кўпаяди.

Л.ШУСТЯК,  
Тошкент шаҳар маданият  
ходимлари касаба уюшма кўмитаси  
ташкилий бўлими мудири.

### Юртимиз тадбиркорлари ДАСТУРХОНИМИЗ НОНГА ТЎЛСИН

«...биринчи галдаги асосий вазиға — мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш лозим. Бошқача айтадиган бўлсак, биз ўз олдимиизга қўйган максадни — хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп ўқладли иқтисодийётни барпо этиш максадини амалга оширишимиз керак».

(Олий Мажлис XIV сессияси хужжатларидан).

Нон азиз. Нон улуг. Тирикчилигимиз, ҳаётимиз нон билан. Табиат қўйнида жажжигина майса бўлиб униб чиқиб, кўёшга талпиниб, инсон меҳри, меҳнати билан олтин бошоқларга айланган бугдой давлат омборига тушгандан бошлаб то ун бўлгунча, неча километрлаб «йўл босади»? Улар тандирларда пишиб, нонга айлангунча қанчалаб технологик жараёнлардан ўтади?

Буларнинг ҳаммасида улуг бир кудрат — инсон меҳнати ётади. Инсон ун энг азиз неъмат — нонни етиштирган, ёлган кишилар эл ардоғидаги кишилар бўлиб келган. Пискент шаҳридаги Сайёра Мўминова ҳам ана шундайлардан бири.

1996 йилда дастлабки фаолиятини хусусий дўкон очибдан бошлаган Сайёра опа кўп ўтмай ўз имкониятларини ҳаёт синовидан ўтказмоқчи бўлди. Келаси йилдан алоҳида бино қурилиб, бир иш кунидан бир тонна ун чиқариш қувватига эга бўлган иккита тегирмон ўрнатилди. Бу унлардан нон, макарон ишлаб чиқариб, одамлар дастурхонига тортиқ этиш истаги ана шунда пайдо бўлган эди. Айни пайтда ушбу маҳсулотлар 4та дўконда сотилмоқда. Бу ишларда опага кичик қизи Шахло (сотувчи) ва ўғли Шўҳрат (таъминотчи) яқиндан ёрдам беришмоқда.

Ҳозирда цехларда 7-8 нафар киши меҳнат қилаётган бўлса, шולי

тегирмони ишга тушгач, яна ўнга яқин киши фойдалай меҳнат билан шуғулланиши мумкин бўлади.

— Менинг фикримча, аёл киши жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши керак, — дейди С.Мўминова. — Одамларни яхшироқ билиш, уларнинг орзу-ўйларидан хабардор бўлиб туриш болаларни тўғри тарбиялашга ҳам катта ёрдам берад экан.

Яқинда Сайёра Мўминова деҳқон фермерлар билан бугдой сотиб олиш ҳақида шартнома тузиш билан бирга, Пискент туман ҳокимлигига 50 гектар сугориладиган ер сўраб ариза берди. Бу ниятлар амалга ошгач, нон ишлаб чиқариш узлуқсиз давом этади. Шундай қилиб, маҳсулотнинг янги турларига йўл очилади. Бу сайёра харажатлар одамларнинг фаровон турмуш кечириши учун хизмат қилади. Ислохотларимиздан кўзланган асосий мақсад ҳам ана шу.

Темур ҲАЙДАРОВ.

### ИСТИҚЛОЛ МАДҲИ

Ўрта Чирчик туманидаги 27-мактабда Тошкент вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан аёллар йилига бағишланган кўшиқлар таълими ўтказилди. Танловда санъатга ихлол қўйган истеъдодли ўқитувчилар, мураббийлар иштирок этиб, она-Ватани, истиқлолни, хурлик ва бахтиқболни мадҳ этуви ашъорларни дилдан куйладилар.

Ҳайъат аъзоларининг хулосасига кўра, Бекобод туманидаги 7-мактабнинг она тили ва адабиёти муаллимаси Муҳаррам Самадова танлов голиби бўлди. Фахрли иккинчи ва учинчи ўринлар Пискент туманидаги 26-мактабнинг бошланғич таълим ўқитувчиси Озода Турдалиева ҳамда Юқори Чирчик туманидаги 3-мактабнинг бошланғич таълим муаллимаси Умида Иброҳимовага насиб этди. Олмалиқ шаҳридаги 19-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Раъно Холхўжаева эса рағбатлантирувчи мукофотга лойиқ деб топилди.

Танлов голиблари вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кўмитаси ҳамда Ўрта Чирчик тумани ҳокимлигининг эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

Э.РАҲМОНОВА.


### ХАЙРИЯ ТАДБИРЛАРИ

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг фаолият доираси йил сайин кенгайиб бормоқда. Жамият томонидан амалга оширилаётган хайрия тадбирлари кўплаб қалбларга қувонч ва мамнулик бахш этмоқда.

Чиндан ҳам қариялар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар фарзандларига кўрсатилаётган иқтисодий ёрдамлар учун катта миқдорда маблағ ажратилмоқда. Биргина Наврўз байрами муносабати билан кам таъминланган кўп болали оилаларга бир миллион сўм берилди. Республикаимизнинг қатор шаҳар ва туманларида амалга оширилаётган хайрия тадбирлари чоғида озиқ-овқатлар, кийимлар, турли доридармонлар ҳадя этилмоқда. Тошкент вилоятининг Қиррай тумани марказий шифохонаси ҳам бундай ёрдамдан баҳраманд бўлди. Жамиятнинг «Меҳр-шафқат» хизмати йўли билан эса Қиррай туманидаги 77-махсус мактаб ўқувчилари янги кийим-бошларга эга бўлдилар. Республика травматология ва ортопедия институтига хайрия ёрдами кўрсатилди.

Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой федерацияси билан ҳамкорликда бажарилаётган хайри ишлардан кўпчилик мамнун. Бундай яқин алоқа тўғрисида республикамизнинг Қарши ва Наманган шаҳарларида хайрия ошоналари очилди. Уларнинг ҳар бирида юз нафар киши бепул овқатлантирилмоқда.

Яна кўплаб қария ва ногиронлар жамиятининг меҳр-шафқатидан баҳраманд бўлиб турибди.



Прага

### OLAMDA NIMA GAP

ДЕХЛ.И. ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда ёзилишича, АҚШ ҳукумати Кашмир масаласида Ҳиндистоннинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашни маълум қилди. Мамлакат конгрессменлари Покистон ҳарбийларининг зудлик билан Ҳиндистон худудидан чиқиб кетишини талаб қилиб чиқди.

БЕЛГРАД. «Косово масаласи ҳал этилса, бутун Болкон минтақасида барқарор вазият юзага келади», деди НАТО бош қотиби Х.Солана. У ушбу минтақага таширф буюриб, Босния ва Герцоговина президиуми аъзолари билан мулоқотда бўлди. Х.Солана Жануби-шар-

қий Европада осойишталик ўрнатиш пактига тўхталиб, у Босния ва Герцоговина учун катта имкониятлар яратади, бироқ бунинг учун бирмунча ишларни амалга ошириш, жумладан, қочқинларни ўз юртларига қайтариш керак, деди.

ЖАКАРТА. Бу ерда сўл оқимдаги Халқ демократик партияси та-

рафдорлари томонидан уюштирилган норозилик намойиши полиция томонидан бостирилди. Ҳукумат кўшинлари намойишчиларни ўққа тутган, кўздан ёш оқизувчи газ қўллаган. Бунинг оқибатида 24 киши жароҳатланган. Ўқ отиш куролларидан яраланганлар ҳам бор.

Индонезиядаги ноҳукумат ташкилотларнинг маълумотига кўра, кейинги бир неча ой ичида элликти турли намойишлар шу тариха бостирилган.

СЯНГАН. Камбожа парламенти «Қизил кжемерлар» ташкилотининг тўрт нафар собиқ раҳбари устидан махсус трибунал асосида суд олиб борилишини маъқуллади. Айни

ПАРИЖ. 2003 йилда Европа коинот агентлиги /ЕКА/ «Виртанен» кометасини ўрганиш учун «Розетта» планеталараро автоматик станциясини учиради. Ҳисоб-китобларга кўра, у комета билан 2011 йилнинг 27 ноябрида юзма-юз келади ва унга қўниш модулини жўнатади. Станция кўёш йўналишида ҳаракат қилаётган ушбу кометани икки йил давомида кузатиб боради. ЕКА баёнотида таъкидланишича, олимлар биринчи бор комета ядросида кўёшга яқинлашиб натижасида содир бўладиган ўзгаришларни яқиндан туриб кузатиш имконига эга бўлади.

ВАШИНГТОН. ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси муҳбирининг хабар беришича, АҚШ давлат департаменти вакили Жеймс Фоули АҚШ ҳукуматининг мамлакат худудида Тоғли Қорабоғ доимий дипломатик миссияси очилишига розилик бергани ҳақида матбуотда тарқатилган хабарни рад этди. Унинг таъкидлашича, ўзини мустақил давлат сифатида эълон қилган Тоғли Қорабоғ республикасини на АҚШ ва на бошқа давлатлар тан олмаган.

(ЎЗА)

### Таажжуб! СУЮНЧИ ПУЛИГА... ВИНО

Омилкор, тинмай изланаётган, ташаббус кўрсатаётган раҳбар мутахассислар бозор қийинчиликларини муваффақиятли енгиб, муаммоларни жойда ҳал этишга эришмоқдалар. Бундай кишилар раҳбарлик қилаётган жамоаларда иқтисодий ислохот ўзининг қувончли меваларини беришмоқда.

Бироқ, ҳамон боқимандаликка берилган, бозор шароитида ишлашга ўзини тайёрлай олмаган кишилар ўзларига ҳам, халққа ҳам жабр қилишапти. Моддий манфаатдорлик таъминланмаяпти. Масалан, Қўшробот туманидаги «Оқтепа» жамоа хўжалигини олайлик. Бу ерда раис Қаҳҳор Ҳазратов бошчилигида антика бир «янгилик»ка қўл урилди. Яъни, хўжалик аъзолари ҳамда нафақахўрларга маош ўрнига вино тарқатилмоқда. Мазкур хўжалик Самарқанд шаҳридаги вино заводи билан шартнома тузган. Вино сероб бўлгандан кейин ундан «унумли» фойдаланиш керак-да.

Одамларга ҳам раҳмат. Йўқдан кўра, деганларидек ойлик ўрнига вино беришса ҳам «раҳмат» дейишапти. Меҳнат фахрийси Дусан ота Равшанов ҳам анча вақтдан буён орзу қилиб кутаётган нафақаси ўрнига вино билан сийланди. Нуроний вино солинган идишни эшакка юклаб, уйига кетаётганида улфатларига рўбарў бўлдию, «нафақа»сидан ҳам маҳрум бўлди.

Кишлоққа қиришингиз билан ёқимсиз манзаранинг гувоҳи бўласиз. Ёшлар, аёлларнинг қўлида ҳам вино. Айниқса кечкурун олди-сотти авжига чиқади. Ахир нима ҳам қилишсин, рўзгор учун бошқа маҳсулотлар ҳам керакку! Қўпчиликни бир саҳл ўйлантирмоқда: қачон хўжаликда иш изга тушади? Сохиборлар тер тўкиб қилаётган меҳнатларининг ҳақларини қачон вақтида нақд пул билан олади-лар? Бунга мутасаддиларнинг ўзлари нима деб жавоб беришаркин?!

Ҳ.ҚОДИРОВ,  
«Ишонч» муҳбири.

### 1999 йил - Аёллар йили

### ИШ ВАҚТИ ИККИ СОАТГА ҚИСҚАРДИ

Тошкент вилояти автотранспорт ва йўл хўжалиги корхоналарида ишловчи аёлларнинг кундалик иш вақти икки соатгача қисқартирилди. Чирчик, Ангрэн, Янгийўл шаҳарлари, Бўстонлик туманларидаги кўпгина меҳнат жамоаларида ҳам хотин-қизлар бир қатор қўшимча имтиёзлардан фойдалана бошлади.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий химоялашни кучайтириш, турмуш фаровонлигини муттасил ошириб бориш, айниқса, аёлларга рўзгор юмушлари ва фарзанд тарбияси билан етарли шуғулланишлари учун зарур шароит яратиш тўғрисида алоҳида фамхўрлик қилинмоқда. Бу борада ишлаб чиқилган кенг қўламли дастурларни рўёбга чиқаришда вилоят касаба уюшмалари ҳам фаол иш олиб бораё-

тир. Жумладан, вилоят кимё саноати корхоналарида, конларда, шунингдек, энергетика соҳасида ишловчи, мактаб ёшидаги фарзанди бўлган аёллар янги ўқув йили бошланиши олдиндан бир кун ишдан озод қилинади. Конларда оғир участкаларда меҳнат қилаётган аёллар моддий манфаатдорлигига таъсир этмаган ҳолда энгил ишга ўтказилайди. Буни «Ангрэн» кўмир кони мисолида яққол кўриш мумкин.

Бу Серада Ангрэн шаҳар босмаҳонасида амалга оширилаётган ишлар айниқса диққатга сазавордир.

Аёлларимиз учун маъмурий билан жамоа ўртасида тузилган меҳнат шартномасида бир қатор имтиёзлар кўзда тутилган, — дейди бос-

маҳона директори М.Югай. — Масалан, улар ишдан уйга ҳар кун икки соат илгари қайтишади. Ҳар ойнинг исталган бир кунида иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча дам олади. Кўп болали ишловчи аёллар йилнинг исталган даврида меҳнат таътилига қиш ҳуқуқига эга. Улар моддий жиҳатдан қийналиб қолган тақдирда ёрдам кўрсатилади. Саломатлигини мустаҳкамлаш учун дам олиш уйларида бепул йўланма ва дори-дармон ажратилади. Босмаҳонада ишловчи аёллар, шунингдек, 1999 йил учун гезета ва журналларга бепул обуна қилинган.

Неъмат ДУШАЕВ,  
ЎЗА муҳбири

Бу ҳақда Олий Мажлис XIV сессиясида гапирилганди

Эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланган суд тизимини ислоҳ қилиш масалаларига мамлакатимиз Президенти Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маърузасида алоҳида эътиборни қаратган эдилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида ютуқлар билан бирга анчагина суқташликлар ҳам мавжуд. Одил судловни амалга оширишда тўғноқ бўлаётган нуқсон ва камчиликларни тугатиш учун зарур бўлган ишлар хусусида Ўзбекистон Судьялари Ассоциациясининг раиси Абдил Тўхташев билан суқбатлашдик.

— Судьялар Ассоциацияси фаолияти давомида амалга оширилган ишлар хусусида бир-икки оғиз тўхталиб ўтсангиз.

— Судьялар Ассоциацияси ўзининг бир ярим йиллик фаолияти давомида республика қонунчилигини такомиллаштириш - ҳуқуқий ислохотлар ўтказишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, «Адвокатлик фаолияти, кафолатлари ва адвокатларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги, «Нодавлат, нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги ва шунга ўхшаш 20 га яқин қонун ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда фаол қатнашди. Олий Мажлисининг IX сессиясида тасдиқланган жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш борасида бир неча йўналишларда иш олиб бормоқда. Утган давр мобайнида бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда судьялар малакасини оширишга қаратилган «Ўзбекистонда суд тизимини такомиллаштириш муаммолари», «Жиноят ҳуқуқи масалалари» каби мавзуларда 40 га яқин семинарлар ўтказди. Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда катта аҳамиятга эга бўлган турли мавзуларда ҳуқуқий қўлланмалар яратишда фаол қатнашди.

— Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд тизимининг аҳамияти катта. Жамиятимизда одил судловни амалга оширишда судьялар мустақиллигини, прокурор ва адвокатларнинг суд жараёнининг барча босқичларида тенг ҳуқуқлигини таъминлаш зарурлиги бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Бу масалаларни ечиш учун амалга оширилаётган ишларга қарамасдан одил судлов тизимида биз кутган ўзгаришлар сезилмапти. Судьялар Ассоциациясининг асосий вазифаларидан бири суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишда кўмаклашишдир. Шу ҳақдаги фикрларингиз.

— Дарҳақиқат суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш борасида рес-

публикамизда жуда катта ишлар амалга оширилди. Мустақиллик йилларида одил судлов фаолиятини

ишлар турибди. Бизнинг назаримизда биринчи галда «Судлар тўғрисида»ги,

суд қарорлари устидан назорат тартибиде протест келтириш ҳуқуқи берилган. Бу эса, ўз навбатида прокурорга суд ҳокимияти фаолияти устидан прокурор назоратини амалга ошириш ҳуқуқини бериб, суд ҳокимияти мустақиллиги тамойилига раҳна солади.

Назаримизда, прокуратура тўғрисидаги қонун ва

тача 73,5, баъзи вилоятларда эса 103 таданга тўғри келади. Айрим туманларда гоҳида битта судья ишлаётганиги тўғри файли у маълум сабабларга кўра (касаллиги, меҳнат таътилида ёки малака оширишда бўлиши, ваколати тугаши, шунга ўхшаш ва ҳоказо сабабларга кўра) ишда бўлмаган пайтларда кўп-кўп судлов ишлари бошқа шахар, туман судларида олиб борилади. Бу ҳақиқатан ҳам фуқароларнинг овози-сарсон бўлишларига олиб келади. Бундай шароитлар одил судловнинг амалга оширилишида ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан иложи йўқ. Шунинг учун ҳам Ассоциациямиз томонидан тегишли меҳнат таътилидаги қонунларга бундай муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида бир қанча тақлифлар киритдик. Киритилган тақлифларнинг энг муҳимлари ҳақида қисқача

# ОДИЛ СУДЛОВ

## уни амалга ошириш борасида қандай ишлар олиб бориляпти

тартибга солувчи қатор қонунлар қабул қилинди. Шу нарсани эътироф этиш керакки, етарли тажрибага эга бўлмаганимиз тўғрисида қабул қилинган барча қонунларни ҳам мукамал деб бўлмайди. Бу табиий нарсасини мамлакатимиз мисли кўрилмаган улкан қадамлар билан олдинга ҳаққон ҳолатларни ҳам эътиборга олиш қийин, албатта. Шу билан бирга жадал ривожланиш даврида баъзи қонунларнинг ҳаётдан тез орақда қолиши ҳам табиий ҳолатдир. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ва демократик ҳуқуқий жамият қуришда суд ҳокимияти алоҳида ўринга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиз Президенти Исом Каримов суд-ҳуқуқ ислохотларига алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. Жумладан, у киши Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маърузаларида суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштириш, суд ҳокимиятининг ва адвокатларнинг мустақиллигини таъминлаш, адвокатлари ва прокуратуранинг ваколатлари ҳамда мақомини тенглаштириш масалаларига тўхталиб, суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштириш мақсадида Олий Мажлис ҳузурида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида тақлифлар тайёрловчи доимий асосда ишлайдиган ваколатли комиссия тузиш тўғрисида тақлиф киритган эдилар.

«Прокуратура тўғрисида»ги қонунлар, Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик-процессуал кодекси суд ҳокимияти, судьялар мустақиллигини таъминлаш юзасидан қайта кўриб чиқилмоғи зарур.

Мавжуд қонунлар проку-

процессуал қонунларни қайта кўриб чиқиб, фуқароларнинг жумладан, суд жараёни иштирокчиларининг барчасини қонун ва суд олдида тенглиги тамойилини таъминлаш чоралари кўришмоғи лозим.

Бу нарсаси прокурор ҳуқуқ-

# «ИШОНЧ»НИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

рор ва адвокатнинг суд жараёнида тенг ҳуқуқлигини таъминлашмоқда. Фикримиз исботи учун оддий бир мисолни келтириб ўтай: суд жараёни тугаганидан кейин прокурорнинг назорат тартибиде келтирилган нозорат тартибиде келтирилган шикоят ҳаққа вақт ҳам назорат инстанцияларида кўрилиши шарт. Аммо адвокатнинг назорат тартибиде келтирилган шикоят ҳаққа вақт ҳам назорат инстанцияларида кўрилиши шарт. Адвокат қанчонки, назорат тартибиде келтирилган шикоят юзасидан кўришмоғи лозим.

— Кўпинча, фуқароларнинг судлов ишлари бир туманда туриб бошқа туманларга юборилиш натижасида овозгарчиликларга дуч келинаётганининг гувоҳи бўламиз. Бундай вазият одил судловнинг амалга оширилишида, шунингдек, фуқароларнинг, қонунга амал қилишнинг иқтисодий манфаатларига зарар келтириши турган гап. Ушбу муаммолар асосан нималар билан боғлиқ?

— Бу муаммолар, асосан судлар таркиби билан боғлиқ, десак бўлади. Шаҳар, туман судларида бир судьяга бир ойлик иш ҳажми, жиноят, фуқаролик, маъмурий ишларни ҳамда ҳукм ижроси билан боғлиқ ишлар кўшиб ҳисобланганда республика бўйича ўр-

тўхталиб ўтсам: одил судловнинг амалга оширилишида суд ҳокимияти фаолияти устидан прокурор назоратини бекор қилиш;

республикада фаолият кўрсатаётган судьялар таркибини бир ярим баравар ошириш ва бунда биронта суд бир таркиб билмаслигини назарда тутиш;

прокурор ва адвокатнинг суд жараёни барча босқичларида тенг ҳуқуқлигини таъминлаш;

судьяларнинг маошини ошириш ва уларни даромад солиғи тўлашдан озод қилиш масаласини кўриб чиқиш.

Шу ўринда яна бир нарсаси. Судьяларнинг ҳозирги кунда олаётган маошлари уларнинг қонунда белгиланган юқори мавқега, уларнинг зиммасига юклатилган масъулият даражасига тўғри келмайди. Шу сингари бошқа келтирилган тақлифлар ҳам тегишли ваколатли органлар тасдиқдан ўтса, одил судловни амалга оширишда тўғноқ бўлаётган муаммолар ўз ечимини топишига ишончимиз комил.

Суқбатдош: Дилором АЛЛАКУЛОВА, «Ишонч» муҳбири.

## Биздан сўрабсиз

Саволларингизга Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмалари Марказий Қўмитаси ходими Йўлдош Аҳмедов жавоб беради.

**САВОЛ:** Қишлоқ ҳамда шахар шаклидаги қишлоқ жойларида яшовчи ўқитувчи ва тиббиёт ходимлари уй-жой, квартира, ер ва мулк солиқларини тўлайдиларми?

Бир гуруҳ ўқитувчилар, Қорақалпоғистон республикаси Нукус тумани.

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрдаги «Турли хил мактаблар ўқитувчилари, болалар ўйлиги тарбиячиларига бериладиган қўшимча имтиёзлар ва юқори синг ўқитувчиларнинг маошини ошириш», 1991 йил 29 декабрдаги «Нархнаво оширилиши муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимояга олиш чоралари», 1992 йил 5 февралдаги «Республика олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлар ва ўқув таълимидан ташқари ёрдамчи хизматчиларга бериладиган қўшимча имтиёзлар» ҳақидаги Фармонларида кўрсатилган имтиёзлардан фойдаланиш тартиби бўйича ўқитувчилар давлат ва ташкилотлар ҳисобидеги уй ва турар-жойларини шахсий мулк сифатида ўз-ўзига берилиши, педагог, шунингдек илмий педагоглар иш стажидан қатъи назар турар-жой ва маиший хизматларига имтиёзли ҳақ тўлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Қишлоқ ва шахар шаклидаги қишлоқ жойларида яшовчи педагог ходимлар турар-жой ва маиший хизматлардан фойдаланишда 100 фоизгача, шахарда яшовчи педагог ходимлар эса 50 фоизгача ҳақ тўлашдан озод этиладилар. Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 1993 йил 1 декабрдаги 582-сонли қарори асосида электр энергиясини имтиёзли фойдаланиш микдори 1 ойга 110 кв соат этиб белгиланган.

Электр энергиясини фойдаланишдаги имтиёзли кўрсаткичлар меъёридан ортинги ўқитувчилар тўлиқ асосида тўлайдилар. Шунингдек эслатиб ўтиш жоизки, қишлоқ жойда яшаётган (ҳам ишлаётган) ўқитувчилар 110 кв соатгача 100 фоиз, шахарда яшаётган (ҳам ишлаётган) ўқитувчилар 50 фоиз ҳақ тўлашдан озод этиладилар.

Вазирилари Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 541-сонли қарори асосида 1999 йил 1 январдан газдан имтиёзли фойдаланишда Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятида яшовчи ўқитувчилар учун 40 кв. метр иситиладиган майдон ҳисобидан бир йилга 2880 м³ ҳажми, Тошкент шаҳри ҳамда бошқа вилоятлар учун эса бир йилга 2640 м³ газ ёқилиши кўзда тутилган. Газдан имтиёзли фойдаланиш меъёрларидан ошигиға ўқитувчилар умумий асосларда тўлиқ ҳақ тўлайдилар.

Қишлоқда яшайдиган (ҳам ишлайдиган) ўқитувчилар газдан имтиёзли фойдаланиш меъёрларидан 100 фоиз, шахарда яшайдиган (ҳам ишлайдиган) ўқитувчилар 50 фоизга фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўқитувчи ва тиббиёт ходимларига Қонун ҳужжатларида ер ва мулк солиқлари бўйича имтиёзлар назарда тутилмаган.

**Саволларингизга Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоа хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Қўмитасининг меҳнат ҳуқуқи Бош вазирини А.Ғайназаров жавоб беради.**

**САВОЛ: I.** Турмуш ўртоғим 1996 йилда вафот этган, тўрт қиз бир ўғлим бор. Қизларини турмушга чиқарганман. Ўғлимнинг ёши ўн саккизда. Шу ўринда ўғлим мuddатли ҳарбий хизматни ўташдан озод қилиниши мумкинми?

**II.** Ёшим 49 да, 28 йиллик меҳнат стажига эгаман. 6 та фарзандни тарбиялаганман. Мен ҳам шу йил апрел ойида аёлларга берилган имтиёздан фойдаланиб мuddатидан бир йил одил пенсияга чиқишим мумкинми? **Ж.Йўлдошева, Хоразм вилояти Турфан тумани.**

**ЖАВОБ: I.** Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунининг 18-моддасида ҳарбий хизматни ўташ мажбуриятдан озод бўлиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар кўрсатилган. Унга қуйидагилар кирди:

- ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилганлар;
- 27 ёшга тўлгунча қадар мuddатли ҳарбий хизматга ёки муқобил хизматга чакрилмаганлар;
- рўйхатга олинган диний ташкилотлардан бирида диний лавозимга эга бўлганлар;
- ака ёки укаларидан бири мuddатли ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳалок

бўлганлар. Сизнинг фарзандингиз юқорида кўрсатилганлар тоифасига кирмаганлиги сабабли мuddатли ҳарбий хизматни ўташ мажбуриятдан озод бўлиш ҳуқуқига эга эмас.

**II.** Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги 1999 йил 19 апрелдаги қонуни асосида «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни 12-1 модда билан тўлдирилган. Ушбу модда «Умумий белгиланган ёшни бир йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига» деб номланади.

Амалдаги қонунга асосан аёлларнинг пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўладиган умумий ёши 55 ёш деб белгиланган. Шунга мувофиқ 12-1 моддада «Ушбу қонун 37-моддасининг «а», «б», «в» ва «г» бандларида назарда тутилган камида 20 йиллик иш стажига эга бўлган аёллар 54 ёшга тўлгунча пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар» деб аниқ баён қилинган. Ёшни, аёлларнинг умумий белгиланган ёшни қисқартирилган ҳолда имтиёзли равишда пенсияга чиқадиган ёшнинг масалан, камида бешта боласи борлиги учун пенсияга чиқадиган 50 ёшни эмас, балки пенсияга чиқадиган умумий ёш ҳисобланган 55 ёшни бир йилга қисқартириш назарда тутилган. Олтига фарзандингиз борлиги учун 50 ёшдан пенсияга чиқишга ҳақлисиз. Шунинг ҳам айтиш жоизки, қонуннинг 12-1 моддаси асосида пенсияга чиқувчи аёлларнинг иш стажларига 37-модданин «а», «б», «в», «г» бандларида кўрсатилган иш фаолиятлари ҳисобга олинмади, холос. Қолган бандларида кўрсатилган иш фаолият турлари эса ҳисобга олинмади. Жумладан: «ж» бандларида назарда тутилган, яъни онанин болаларини гўдаклик ёшидан парвартирилган вақти, лекин кўпи билан ҳар бир бола учун уч ёшга тўлгунча, ҳаммасини жамлаганда 6 йил доирасидаги фаолияти ҳисобга олинмади.

**Саволларингизга ҳуқуқшунос Х.Премкулов жавоб беради.**

**САВОЛ:** Мен 20 йилдан ортиқ ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Ёзги таътил бошланганда ўқитувчиларга «Обходной лист» тўлдиришга мажбур қилишди. Бу варақанин 9-10 та қисми бўлиб уни тўлдириш учун кўп вақт сарфланади. Кимда ким шу варақани тўлдирмаси, таътил пулини ололмайдми. Ушбу варақа тўлдирилиши шартми?

**А.Аскар, Фарғона вилояти Яйпан шаҳри.**

**ЖАВОБ:** Амалдаги меҳнат кодексининг 133-моддасида меҳнат таътили ҳар иш йили учун корхона (ташкилот, муассаса)даги мавжуд таътил ҳадвалига асосан берилиши кўрсатилган. Мактаб ўқитувчилари учун бундай жадал тузишнинг ҳожати йўқ, чунки улар ўқувчиларнинг ёзги таътили даврида меҳнат таътилига чиқадилар.

Юқорида қайд этилган моддада эса меҳнат таътили даврига иш ҳақи таътил бошланишидан камида бир кун олдин тўланиши шарт қилиб белгиланган. Акс ҳолда ходим таътили бошқа мuddатга кўчирилиши талаб қилишга ҳақли бўлади. Бунда иш берувчининг ҳеч қандай ваъдаси, жумладан, сиз кўрсатгандек «Обходной лист» ёки корхона ҳисобида маблағ йўқлиги ёхуд таътилга кетаётган ходимнинг вазифасини бажариб туриш учун бошқа ходимнинг топилмагани ва ҳоказолар инобатга олинмайди. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, «Обходной лист» тўлдириш бирон-бир қонунчиликда назарда тутилган эмас.

Баъзан тажрибада шундай ҳоллар учрайдики, ходим ишдан бўшаётганда унга «Обходной лист»ни тўлдириб чиқишни биоривада ва то шу иш амалга оширилмагунча уни ишдан бўшатилмайди, ёки меҳнат дафтарчасини беришмайди, ёхуд яна бирон-бир чора ўйлаб топишди. Айтиш керакки, бундай ҳаракатларнинг барчаси гайриқонуний ҳисобланади, зарур ҳолларда иш берувчининг жавобгарлигини келтириб чиқаради.

Хўш, ходимнинг ишлаётган жойидан қарзи бўлса-чи, ташкилот ёки муассасага тегишли бўлган бирон-бир моддий бойликни топширмаган бўлса-чи? Унда қандай бўлади? деган савол туғилиши мумкин.

Бунга жавобан айтиш мумкинки, агар ходимнинг корхонадан қарзи бўлса, иш берувчи у билан тўла ҳисоб-китоб қилаётганда ана шу ҳисоб-китоб пулидан қарзни ўшлаб қолиши мумкин. Аммо, эътибор бериш керакки, бундай буйруқ чиқариш учун муҳлат ўтиб кетмаслиги керак. Шунингдек, агар бу ходим билан тўла моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузилмаган бўлса, ўшлаб қолинаётган маблағ ходимнинг ўртача иш ҳақи микдоридан ошиб кетмаслиги керак. Қарзининг қолган қисми ёки юқорида кўрсатилган муҳлат ўтказиб юборилган тақдирда суд орқали ундирилади.

Агар ходим ўз жавобгарлигидан бўлган моддий бойликларни у ёки бу сабабга кўра топширмаси, бу моддий бойликлар махсус комиссия тузилиб унинг иштирокисиз ҳам қабул қилиниши мумкин. Мабодо бирон-бир камомад аниқлангудек бўлса, иш берувчи судга мурожаат қилиб камомадни ундириб олиши мумкин.




Беқобод тумани ички ишлар бўлими ходимлари маҳаллалар, гузарлар, жамоаларда бўлиб, ҳуқуқ-тартибот масалаларига оид суқбатлар, савол-жавоблар уюштирмоқдалар. Фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлақонли жавоб олмоқдалар. Туман ички ишлар бўлимининг жиноят


**ҚУЧЛАЙМИЗ!** Тахририятимизда фидойи, изланувчан, долзарб мавзудаги мақолалари билан газетхонлар оmmasига танилиб бораётган иқтидорли журналистлар оз эмас. Ҳуқуқ бўлимининг мудирини Муродулла Ғафуров энг омадли ижодкорлардан бири. Яқинда унинг ҳаётида қувончли воқеа содир бўлди. Ўз касбининг устаси Ички ишлар вазиригининг Фах-

рийд ёрлиги билан мукофотланди. У шахсан Ички ишлар вазири Зокиржон Алматов имзоси билан тақдим этилганлиги боис ҳам гоят қадриlidir. Ҳамкасбимизни Фаҳрий ёрлик билан самимий табриклаймиз, мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, ижодий парвозлар тайлаймиз. **ТАХРИРИЯТ**

лоф равишда сақланаётган ов милтиқларини милиция бўлимига келтириб топширилишини таъминлашмоқда. Сўнгги ойларда қишлоқ ёшлари ўртасида олиб борилган тарғибот, кенг тушунтириш ишлари ўзининг қутилган натижасини бермоқда. **Х.АВВАЛОВ олган суқрат.**



кидирув бўлими бошлиғи, милиция катта лейтенанти Суръат Халитов, милиция майори Эркин Саидов ҳамда малакали ходим, милиция капитани Баҳром Ботировлар жиноятнинг олдини олиш хусусида ҳам ибратли ишларни амалга оширишмоқда. Хусусан, улар айрим фуқаролар уйларида қонунга хи-



ЁНУВЧИ ТАБИИЙ ГАЗЛАР

Асосан, углеводородлар аралашмасидан, яъни молекулалари фақат икки элементдан - углевод ва водороддан ташкил топган бирикмалардан иборат. Углерод ва водород атомларининг микдорига ҳамда бу атомларнинг бир-бирига нисбатан жойланишига қараб, табиатда жуда кўп микдорда турли-туман углеводородлар мавжуд бўлиши мумкин.

Уларнинг энг оддийси - газ, ундан мураккаброғи - нефть таркибига кирувчи сувоқликлардир. Масалан, бензин, керосин, машиналар ёғланадиган мойлар. Булардан ҳам мураккаби - нефть таркибидоги парафиндир.

Газларда молекулалар ораси сувоқликлардагига қараганда анча кенгрок. Шунинг учун уларнинг зичлиги ҳам анча кам бўлади. Масалан, Газли конидан олинаётган бир куб метр газ бир куб бензин ёки керосиндан деярли минг марта оғир бўлади.

КЕМИРУВЧИ ХАЙВОНЛАР ТИШИ

Фақат олд томонига эмал билан қолган бўлади. Тишининг орқа-дентин деб аталмиш юмшоқроқ қисми эса уваланиб тез тамом бўлади. Шу сабабли кемирувчиларнинг тиши доим ўткир бўлади. Кемирувчи хайвон бирон нарсага тишлаганда

БИЛИБ ҚУЙГАН ЯХШИ

унинг тишлари ўтмаслашиб қолмай, балки ўз-ўзидан чарчлашиб, яна ўткирлашади. Бу тишлар илдизсиз бўлиб, кемирувчи хайвонларнинг умри давомида усаверади.

Олмаҳон, Кундузларнинг пастки тишларини алоҳида мусуллар ҳаракат қелтиради. Олмаҳоннинг тиш мусули қисқарганда унинг икки ўткир тиши бир-бирига яқин келади. У ана шу бир жуфт тишини ёнғоқ бўстига тикади. Кейин бор кучи билан мусулини узайтириб, тишларининг орасини очади.

Натижада ёнғоқ пўсти ёрилади. Шундан кейин у ёнғоқ мағзини ейди.

Ўргимчак ўлжасини ўз ошқозонига эмас, балки ташқарида, яъни ҳали емай туриб «ҳазм» қилади. Кўпгина ўргимчаклар овқатланишдан аввал ўлжасини ўзига хос пиллага жойлаштиради. Уни ўзи ишлаб чиқарган ип билан қалин қилиб ўради. Кейин унинг устига ичак ва оғиз безларидан овқат ҳазм қиладиган модда томизади.

Натижада ўлжа тўқималари арок ҳолга келади. Шундан кейин ўргимчак узун найчаси билан уни симиради. Чунки ўргимчакнинг тиши йўқ-да!

«Академия» атамаси қаердан келиб чиқганини биласизми? Гап шундаки, қадимги Афина шаҳри яқинидаги қичкина ўрмонча «Академия» деб аталган. Бу ерда буюк Юнон олими Афлотуннинг маслақдошлари йиғилиб, устоз ўғитларини тинглашган.

Шундан сўнг барча илмий йиғинлар жой номи билан «академия» деб атала борди. Бошқа бир Юнон олими Арасту Афинадаги Апполан Ликейский ибодатхонаси яқинида ўзининг дастлабки мактабини ташкил этди. Бу мактаб ўз асосчилигининг бафотидан кейин ҳам бир неча аср мобайнида фаолият кўрсатди.

Шу жой номидан кейинчалик «лицей» сўзи келиб чиқди ва шундай мактаблар «лицей» деб атала бошлади. Ҳозир Ўзбекистонда лицейлар янги турдаги ўқув юрталари сифатида оммалашмоқда.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

«КАМАЛАК»-МАФТУНКОР МАСКАН

Қорақалпоғистондаги ушбу оромгоҳ келгуси йилдан халқаро мақомга эга бўлади

Оқчакўл соҳилидаги «Камалак» туманлараро болалар оромгоҳида ўғил-қизларнинг шодон кулгилари-ю қийқиқларидан беихтиёр дил жунбушга келади. «Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлигига қарашли оромгоҳ бу йил ҳам мамлакатимизда биринчилардан бўлиб иш бошлади. Дастлабки босқичда у Нукус шаҳри, Чимбой, Бўзатов, Гегейли, Нукус ва Эллиққалъа туманларидан дам олиш учун келган 250 нафар ўғил-қизларга кучоғини очди. Болаларнинг мириқиб дам олишлари, саломатликларини мустаҳкамлашлари учун бу ерда барча шарт-шароит мўҳайё этилган. Ошхона ва ётоқхоналар учун учта икки қаб-

ватли бинолар жорий таъмирдан чиқарилганлиги, ҳаммом, бешта тўгаракларда машғулот ўтказишга мўлжалланган бинолар ҳам барвақт тахт қилиб қўйилганлиги жуда асқотмоқда. «Оромгоҳимизда экологик мураккаб вазиятдаги шаҳар ва туманлардан келган жами 750 нафар болалар дам олиши режалаштирилган, дейди оромгоҳ бошлиғи Қ.Қаландаров. -Лекин биз ишларни талаб ва эҳтиётдан келиб чиққан ҳолда кенгрок ҳажмда адо этишни кўзламоқдамиз. Гап шундаки, кўз тегмасин, оромгоҳимиз обрўси баланд. Шунинг учун ҳар йили ёз ойларида мингдан орттиқ болалар таътилни кўнгили ўтказиш ниятида бизга келишади. Бу

киришганлигимиздан энди ўзимиз ҳам қувонди ўтирибмиз. Кези келганда, таъмирлаш ишларининг кўнгилидагидек, ўз вақтида ўтказилишида Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиги, халққаро «Экосан» жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими, «Нур» ҳиссасдорлик жамияти, Эллиққалъа туман ҳокимияти яқиндан амалий ёрдамлар берганликларини алоҳида таъкидлашни истардим. Тарбиячи ка-



бошлаб юборишди. Озиқ-овқат таъминотида узиллиш йўқ. Ўзимизнинг кичик нонвойхонамиз ҳар кун беш хил нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаб бермоқда. Ишимизнинг келгусида янада равнақ топадиган жиҳати хусусида ҳам тўхталиб ўтмасам бўлмас. Бу «Камалак»нинг келаси йилдан бошлаб халқаро мақомга эга бўлиши учун олиб борилаётган ишлардир. Ўзбекистон қасаба



дрларимиз ишининг биринчи кундаёқ енг шимариб фаолиятларини уюшмалари федерацияси Кенгаши, халқаро «Экосан» жамғармаси томонидан оромгоҳ қосида 360 ўринли йил давомида фаолият кўрсатувчи болаларни ўқитиш ва даволаш халқаро маркази қурилмоқда. Уни «Оролсувқурилиш» ҳудудий бирлашмасининг 2-Эллиққалъа қурилиш бошқармаси олиб борапти. Насиб қилса, келаси йиллардан бошлаб экологик офат зонасидаги мамлакатларнинг болалари Оқчакўл соҳилларида дам олишади, саломатликларини мустаҳкамлашади. Бир пайтнинг ўзида ўқув-тарбия ишлари узлуксиз таразда олиб борилади...

Абду РАҲМОН, «Ишонч» муҳбири, Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.



ҲАЁТ СЎҚМОҚЛАРИДА

Қобил аканинг тўрт кизи, икки ўғли бор. Катта қизининг бўйи етиб қолган. — Худо хоҳласа, ҳосил бўлиб берса, кеч қузда тўй қиламан, деб қўярди хотини Мастура онага гоҳи-гоҳида. У Поп тумани далаларида деҳқончилик қиларди. Бу йил беш гектар ер олган. Бир гектари узумзор, қолганлари полиз, галла ва пахтазор. Азонлаб отни аравага қўшади.

— Қани чув, жонивор! Уч йилдан бери қатнавериб тақаси ейилиб кетган саман аравани илдам тортиб кетади. Қобил ака тизгинни гоҳи-гоҳи силтаб қўярсан, «илоҳим болаларимнинг ризқини бутун берган бўлсин!» дейди ичда. Орқасида, гупчада ёнма-ён, бир-бирларига суянишиб ўтирган, бири-бирдан хушсураб қизларига қараб қўйиб, уларга бахт тилайди.

У ўғилларидан, қизларидан мамнун. Ўғиллари унинг қўлидан кетмонни олишганига икки-уч йилча бўлиб қолди. Қизлари ҳам уйда ўтиришмайди. Ош-овқатларини тугунга тугишади-да, аравага чиқишади. Ота-оналари ёнида кетмон чопишади, ўтиришади. Сигирларни ўзлари соғиб, ўзлари қатик ивтишади. Кейин бозорчада сотиб ҳам келишади. Хуллас, кучлари етганча рўзгорга қарашли. Фарзанд бўлса шунчалар бўлар-да! Кузда олинган ҳосил пулига тўнғич қизларини турмушга бериб, катта ўғилни уйлантириб олишса, бас.

Деҳқон оиласи далада чопиқча тушганда ҳали қуёш ётоғидан чиқмаган, тоғ орти энди-энди оқаришиб келаётганда. ... Баъзи ёшлар бу пайт ҳали уйқуда бўлишади. Улар қатори Гулнора ҳам... Дугоналари билан роса сандирақлаб чарча-

ган эмасми, соат ўнда ёс-тиқдан зўрга бош кўтарди. Юз-кўлини ювиб, нонушта қилди. Энди нима қилиш керак? Ўқиш жонга теккан. Иш бўлса, унинг мижозига тўғри келмайди. «Қуриб кетсин, Мавлуда она кела қолмайди-я...» Мавлуда она дегани ҳам шу тумандан. Бир-бирлари билан тасодифан топишишган. ...У бозорчадан pista олиб қақиб турганди. Кун

жуда эрта туйғуларига эрк берган қизни аллақандай йўлчибой деган йигит билан учраштиради. Йигит «хизмат» ҳақи деб уй соҳибасига пул узатди-да, Гулнорани ичкарида олиб қолди. Бошқа сафар эса қил малласон бир йигитнинг улфати бўлди, эвазига пул олди. Албатта, бу қўшмачи Мавлуданинг иши эди. У ҳар бир мижоздан нақдини олгандан сўнг Гул-

норани тортиқ этарди. Ҳозир қиз сочларини тараб, ўзига оро бериб бўлгач, пул топиш илинжида сумкачасини қўлга олди-да, кўчага чиқди.

Ишбўхмас санган қиз тўғри таниши Нигоранинг уйига меҳмонга борди. У шу шаҳарчада яшарди. Уй соҳибаси суюниб кетди. Худди бир нималик бўлагандай дастурхон ёзиб, чой келтирди.

— Мен ҳозир бозорчага чиқиб келай. Сен чой ичиб ўтиргин. — Нигора таҳмондаги кўрпачалар орасидан харид учун пул олди. Қолганини жойига қўйди-да, ўғли билан чиқиб кетди.

Меҳмонхонада ёлғиз қолган қиз таҳмондаги пулни кўрганди. У аввал уй ичининг кўздан кечирди. Соҳибба ёмон яшамайдиганга ўхшайди. Ҳар ҳолда қийим-бош, пуллари бор.

Шайтон қизни ўрнидан турғазиб таҳмонга яқинлаштиради. Гулнора кўрпачалар орасидаги пулни олди. Йигирма минг сўм экан, шошиб қўйинга тикди. Сўнг йўлидаги шафони очиб, ундаги қўйлак, шилпақларни олди-да, айвон деразасидан кўчага чиқиб кетди.

У мудоасига эришган эди. Бироқ кўп ўтмай ўзини суднинг қора курсисидан кўрди.

Қурбонбой Канаев ёш бўлса-да, малакали ҳуқуқшулос, Поп туман суди раиси. У юқорида ҳикоя қилинган жиноий ҳолат бўйича шундай деди:

Фуқаронинг мулкани ўғирлаш, қўшмачилик жиноятларини содир этган бу аёллар эндиликда ўз қилмишларидан пушаймон. Улар жазоланишди. Жабрланган аёлга эса мулки қайтариб берилди. Агар маҳалла, қишлоқ кенгашлари ёшларнинг тақдирига, тарбиясига эътиборни қўймасалар, уларнинг кундалик ҳаёти билан яқиндан шуғулланиб борсалар, кўнгилисиз воқеаларнинг олди олинарди.

Ахлоқсиз Гулнораю, Мавлудаларнинг ҳаёти, қисмати ва бошқа мулоҳазаларни мухтарам ўқувчиларнинг ўзларига ҳавола этган ҳолда, мақоламиз бошланмасида баён этилган Қобил ака даласига қайтамиз.

Қобил аканинг бу йилдан умиди катта. У: «ғалламни, пахтамини эсон омон сотиб олсам, полиздан чиққан маҳсулотларни, узумларни бозорга чиқарсам... Ўғилларим сотиб келишса, тўйни бошлаб юборардим. Илоҳим, болаларимнинг бахтини берсин!» дейди дилида.

Қани энди барча ёшлар ҳам Қобил аканинг фарзандлари қаби яшаса, меҳнат қилишса...

Нурилла АЛИМОВ, журналист.

ҚАДРИНИ ЕРГА УРГАНЛАР

Республика Қўчмас мулк биржаси марказий аппаратида ўтган ҳафтада ўтказилган қимомат савдолари ҳам баракали бўлди. Унда Жирзах вилояти, Баҳмал тумани, «Усман» қишлоғида жойлашган 9 - АЕКШ бир миллион сўмга, Андижон вилояти «Боғишамол» даҳасида жойлашган 3 - АЕКШ 4 миллион 600 минг сўмга, Тошкент вилояти, Охангарон туманида жойлашган 61 - АЕКШ 7 миллион сўмга, Андижон вилояти, Анжидон тумани «Исмоилов» номли жамоа ҳўжаллигида жойлашган 1 «А» - АЕКШ 14 миллион сўмга, Андижон вилояти, Ҳўжабод тумани «Ўзбекистон» жамоа ҳўжаллигида жойлашган 68 - АЕКШ 8 миллион 500 минг сўмга, Тошкент вилояти, Охангарон туманида жойлашган 60 - АЕКШ 9 миллион 500 минг сўмга, Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, «Катта араб» жамоа ҳўжаллигида жойлашган 86 - АЕКШ 1 миллион 400 минг сўмга сотилди.

Халқ гап. Ички имкониятлар тўлиқ ишга солинса, ишининг тилини биладиган мутахассислар билан бамаслаҳат иш тутилса мушкулотлар осонлашаверади. Давлат бюджети олдида катта миқдорда боқиманда қарзи бўлган 982 корхона ва ташкилотга 21998,1 миллион сўмлик қарзларини бир ой мuddатда тўлашлари лозимлиги ҳақида огоҳлантириш хати жўнатилди. Изланганлар эса имкон топишди. 524 корхона белгиланган мuddатда ўз қарзларини уздилар. Ўрни келганда бир масала кишини ўйлантириб қўяди. Яъни, қийин бўлса ҳам қарздан қутилиш имкони топилар экан, нега улар бу ҳақда олдинроқ ўйлашмади.

ҚИЛГҲР ИШНИНГ ҚИЙИГИ

ҚАРЗ МОЛ-МУЛКИ ХИСОБИДАН

Ҳақ гап. Ички имкониятлар тўлиқ ишга солинса, ишининг тилини биладиган мутахассислар билан бамаслаҳат иш тутилса мушкулотлар осонлашаверади. Давлат бюджети олдида катта миқдорда боқиманда қарзи бўлган 982 корхона ва ташкилотга 21998,1 миллион сўмлик қарзларини бир ой мuddатда тўлашлари лозимлиги ҳақида огоҳлантириш хати жўнатилди. Изланганлар эса имкон топишди. 524 корхона белгиланган мuddатда ўз қарзларини уздилар. Ўрни келганда бир масала кишини ўйлантириб қўяди. Яъни, қийин бўлса ҳам қарздан қутилиш имкони топилар экан, нега улар бу ҳақда олдинроқ ўйлашмади.

Айни вақтда 458 ташкилот 12041,1 миллион сўм тўлаши лозим. 318 корхона устидан ҳўжалик судига даъво аризаси қўзғатилиш мuddати етган. 111 корхона ҳўжалик судининг қарзини ташкилот мол-мулки ҳисобидан ундириш тўғрисида хал қилув қарори чиққанидан сўнггина 351,1 миллион сўмни тўлаб берди. Яна 15 корхона мол-мулки ҳатланиб сотилгунга қадар 56,5 миллион сўмлик қарзини узди.

Яна тавба, деб ёқа ушлайсан киши. Ечимини топиш мумкин экан, нега ма-

сала судгача етиб боришига имкон яратилди? Зийбўлла Адхамов - Қосон шаҳар савдо бирлашмасига қарашли 13 - озиқ-овқат дўкони мудири: Ибрагим Қаримов - Қарши шаҳридаги «Дурдона» ошхонасининг бошлиғи: Қурбон Соатов - Деҳқонбод туманидаги «Элмурод» хусусий кичик корхонаси раҳбари: Шерзод Абдуллаев - Шаҳрисабздаги «Ширин» ҳиссасдорлик жамияти 3 - савдо дўкони сотувчиси...

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Солиқчилар уларни назорат қаса аппарати ўрнатмасдан ёки борларини ҳам ишлатмасдан савдо қилаётганликлари ҳақида бир неча бор огоҳлантирган эдилар. Аммо, улар бундан тегишли хулоса чиқаришга шошилмадилар. Натижада катта миқдорда жарима тўладилар. Лекин бундай чора ҳам қор қилмади. Солиқ ва савдо қонунларини тақрор ва тақрор бузаверганларидан сўнг улар устидан жиноий иш қўзғатишга мажбур бўлинди. Энди улар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддасига асосан жазоланадиган бўлдилар.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ.

Бир ҳовуч ҳикмат Тўғрилиқ ва ҲАПОПЛИК ҲАҚИДА

Ҳақиқатни билиш учун аввал ўз руҳингни кўпчилиқ кишиларни йўлдан оздирувчи (ёмон) хусусиятлардан ва одамни ҳақиқат олдида кўр қилиб қўювчи сабаблардан, яъни одат бўлиб қолган кўникмалар, ҳавас, рақобат, ҳирсга бўйсуниб, ҳокимлик учун кураш қабилардан тозалаб олишининг лозим.

Абу Райҳон Беруний

Тўғри йўлдан атайлаб энг узок йўлга ўтиш жуда зўр хатодир.

Абу Райҳон Беруний

Кўёш нури бекитилмайди, Ҳақиқат шамъи сўнмайди.

Абулқосим Замахшарий

Тоғ арқон билан эгилмаганидек, денгиз ҳам қайиқ билан беркитилмайди.

Маҳмуд Қошғарий

Соф юрак одам чексиз ҳаён қиладур, Чексиз ҳаён қилувчи халқин аён севадур.

Тўғри, ҳалол бўлайин, десанг белгулик, Ҳалол ишлаб, еб, қийган, хулқи тузук.

Бўлиб сен қарорли, қўнгил тўғри тут, Икки дунёда тўғрилиқ қўл келар.

Агар тўғри бўлсанг, туғар бахт кунинг, Омон бўл, саодат сари қил жадал.

Юсуф Хос Ҳожиб

Тўғрилиқ тўнин қий, қўйиб эгриликни, Қимматли тўн бўлур, тўғрилиқ тўни.

Аҳмад Югнакий

Кимки чекар сидқ била ранжи роҳ, Манзилига етқурур они илоҳ, Кимки талаб йўлида собитқадам — Бўлса, топар мақсадини ложарам.

Дурбек.

Кимки ҳар кимга ваъдае қилди — Шарт эрур ваъдага вафо қилмоқ. Ваъдаким қилдинг, ўйладурким дайн (қарз) Фарздур қарзни адо қилмоқ.

Бузуқ ниятли ва ёмон ахлоқи кишилар ўртага кириб олиши билан иш тўғри бормаиди.

Абу Райҳон Беруний

Кўпинча қилинган ҳийла ва фусун, Қўлват зўрликдан бўлади устун.

Виждонли одам хавфдан ҳоли яшаса, хиёнат қилувчи ҳалоқатда яшайди.

Хатолар қилишда авворалардир, Хато — алар тушган аробалардир.

Илон ўзининг эгрилигини билмай, Туянинг бўйинини эгри дейди.

Маҳмуд Қошғарий

Бўлиб тўғри, эгрига сен чўзма қўл, Бор эгри ва тўғри учун турли йўл.

Оғочким аввалида эгри битса, Ани ўл бўлмаса, бўлмас туз этса.

Кутб Ҳоразмий

Хорликдан чиқмасин эгрилар боши, Тўғрилиқдор доим тўғри йўлдоши.

Эгри-ю туз васфи муҳаққак дурур, Ноҳақ эрур эгри-ю, туз ҳақ дурур.

Кўзки, эрур эгри анинг хилқати, Бирни икки кўрмак эрур санъати.

Хар кимгаки эгриликда овоза дурур, Туз тоза ичра йўлдин оза дурур.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси. Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ. Таҳрир хайъати: Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиков. ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Буюртма Г— 0556. 1 2 3 4 5 6